

2025 йил 27-август

## “Ўзкимёсаноат” АЖ ва KOICA ёш олимларни қўллаб-қувватлашда давом этмоқда



Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда “Ўзкимёсаноат” АЖ ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда кимё технологиялари маркази (UzCCT) салоҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида яна бир муҳим қадам ташланди.

26-август куни Кореяда докторантура босқичини давом эттирувчи 3 нафар стипендиатлар билан шартномалар имзоланди. Энди улар Кореянинг Университет оф Ссиенсе анд Течнологй (UST) олийгоҳида докторантура босқичида ўқишни давом эттирадилар.

Дастур якунида тадқиқотчилар янги ташкил этилаётган UzCCT да фаолиятини давом эттириб,

Ўз билим ва кўникмаларини мамлакатимиз кимё саноатида инновациялар ва барқарор ўсишни ривожлантиришга йўналтирадilar.

2021-2027-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонда кимё технологиялари маркази (UzCCT) салоҳиятини ошириш” юртимиз кимё саноати рақобатбардошлигини ошириш, замонавий илмий инфратузилмани яратиш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Лойиҳа бошланганидан буён 11 нафар магистратура босқичи талабаси, 10 нафар ПхД талабаси дастур иштирокчиси сифатида танлаб олинди.

**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-va-koica-yosh-olimlarni-qullab-quvvatlashd>